

ЁШЛАРНИНГ ҚАДРИЯТЛАРИ СТРУКТУРАСИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ

Жалалова Гулбаҳор Одилжонова,
ЎзМУ етакчи илмий ходими, ф.ф.д.(PhD)

Резюме

Мақолада муаллиф замонавий ижтимоий иқтисодий жараёнлар даврида ёшлардаги қадриятлар динамикаси ва трансформацияларни мураккаб тизим сифатида тадқиқ этиш муҳим ижтимоий масала эканлигини таъкидлайди. Ёшлар қадриятлар тизимининг миллий маданият билан ўзаро муносабати улар ўртасидаги ижобий қайта алоқадорликларни аниқласак, жамиятимизда барқарорликни таъминлашда муҳим қадамлар ташланади.

Калит сўзлар: ёшлар, қадриятлар, ижтимоий тизим, мураккаб тизим, трансформация, ўзаро алоқадорлик, қайта алоқадорлик.

Замонавий давр глобал трансформациялар даври бўлиб, ижтимоий тизимнинг ҳар бир жабҳаси, элементида структуравий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу ўзгаришларга глобаллашув, ахборотлашув, рақамлаштириш, технологияларнинг ривожланиши ўз таъсирини кўрсатмоқда. Натижада жаҳонда юз бераётган турли маданиятлар тўқнашуви, ёшларнинг миллий ва умуминсоний

қадриятларни эгаллашларидаги қарама-қаршлиқлар, ғоявий маънавий бўшлиқнинг кучайиши каби ҳолатлар ҳам намоён бўлмоқда. Р. Инглхарт таъкидлаганидек, материалистик қадриятлардан постматериалистик қадриятларларга ўтилиши ҳам дунёнинг трансформацияланишувига олиб келаётган маданий трансформацияларнинг бир муҳим компоненти сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур трансформацион жараёнлар ўз ичига бир қанча янги қадриятларни ўз ичига олмоқда .

Шу сабабли жаҳон ва республикамиз олимлари томонидан қадриятларининг шаклланиши, уларга таъсир этадиган маданий ижтимоий омиллар илмий муаммо сифатида ўрганилиб келинади. Масалан, ёшлар онгидаги ўзгаришларнинг турли назарий жиҳатлари жамият трансформацияси концепцияси асосида (Т.Адорно, Г.Маркузе, Ю.Хабермас, Э. Гоулднер ва бошқ.); структуравий функционализм назарияси (Т.Парсонс, Р.Мертон); социологиядаги тизимли ёндашув (Н.Луман); ижтимоий ўзгаришлар контекстида (Д.Белл, П.Штомпка); психоналититик концепциялар (З.Фрейд ва ҳ.к.); ёшлар маданият феномени сифатида (Г.Гризе, Э.Шпрангер, М.Мид); қадриятлардаги генерацион ўзгаришлар назариясида (Р.Инглхарт, С.Фланаган тадқиқотларида ўз аксини топган. Мамлакатимиз олимлари томонидан, ҳам ёшларга оид муаммоларнинг турли жиҳатлари, хусусан мураккаблик ва инсон капитали (М.Абдуллаева) ёшлар қадриятларидаги йўналишлар (Г.Махмудова); менталитет ва

идентиклик (Ш.Мадаева); кадриятлар (Қ.Назаров) каби масалалар фалсафий методологик таҳлил этилган.

Бу муаммоларни ўрганиш мамлакатимиз ривожланиш мақсадларини, истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бугунги кунда жамиятимизда ёшлар онги, улардаги кадриятлар тизимининг шиддатли ўзгаришлари содир бўлмоқда. Ёшлар маданий таъсирнинг нофаол, пассив объектлари эмас, балки фаол маданият яратувчилари сифатида шалланмоқдалар. Ўзларининг субъмаданиятларига эга ижтимоий демографик гуруҳ сифатида фаолият олиб бормоқдалар. Бу муаммолар ёшлар кадриятларидаги ўзгаришларни катта авлод кадриятлар тизими билан биргаликда замонавий ижтимоий трансформациялар контекстида фалсафий таҳлил этишни, қайта баҳолашни кун тартибига қўймоқда. Бунинг учун республикамизда биз катта авлод ва ёшларни яхлит, ягона мураккаб тизим сифатида таҳлил этиб, улар ўртасидаги ижобий қайта алоқадорликларни аниқласак, жамиятимизда барқарорликни таъминлашда муҳим қадамлар ташланади.

Зеро, кадриятлар ёшларимизнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, ижтимоий позициялари, маънавий ривожи, дунёқарашининг асосий йўналишларни белгилаб беради.

Хоразмда ўтказилган сўровнома натижаларига кўра 76% ёшлар анъанавий кадриятларимизни давомийлигини юқори баҳолаганлар[3]. Аммо республикамизнинг бошқа худудларида, шаҳар ва қишлоқларида кадриятлар динамикаси қандай бўлаётганини мураккаб тизим

сифатида ўрганиш вазифаси турибди. Зеро, кадриятлар шу қадар динамик ва мураккаб тизим бўлиб, баъзи кадриятлардан шошма шошарлик билан воз кечиш, кейинчалик уларни узоқ ва қийинчилик билан тиклаш ёки катта маънавий ва моддий талофатларга олиб келиши мумкин. Натижада миллат маданиятининг катта зарбага учрашига олиб келиши мумкин.

Ёшларимизнинг маданият билан икки турдаги муносабати кузатилади:

1. Катта авлоднинг ижтимоий тажрибасига таянган маданий эҳтиёж ва манфаатлар; 2. Модернизация жараёнларига монанд бўлган ижтимоий маданий муносабатлар[4,18]. Кўришиб турибдики, кадриятларнинг ўзгариб бориши эволюцион жараён бўлиб, бу жараён натижаси қандай бўлади деган муаммо тадқиқотлар объектига айланди. Кадриятлар тизимидаги ўзгаришлар Р.Инглхарт фикрича икки хил натижага олиб келади. Биринчи натижага асосан кадриятлар мавжуд ҳаётий шароитларга монанд бўлади; Иккинчи натижа эса шаклланиб келаётган янги ҳаёт шароитларига жавоб бера оладиган янги кадриятларни юзага келтиради. Энг муҳими шундан иборатки, янги кадриятларни энг аввало ёшлар синаб кўриш, ўзлаштириш ва ривожлантиришни бошлаб берадилар. Катта авлод эса ўзларнинг анъанавий барқарор кадриятлар тизимини ўзгартиришга шошилмайдилар[5,43].

Ёшларнинг катта авлод асраб келган асрлар оша сақлаган анъанавий кадриятлардан асте секин воз кечиши олимлар олдида

замонавий ижтимоий жараёнлар доирасида янги илмий ечим ва кўрсатмалар, методологик ишланмаларни топишга ундамоқда.

Шунинг учун бугунги кунда жуда кўп давлатларда шлар муамоларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, АҚШда «Ёшлар учун келажак: Федерал ҳамкорлик ёшлар стратегияси», Финляндияда «Ёшлар миллий стратегияси», Германияда 2015 йилда қабул қилинган «Янги ёшлар стратегияси», Полшада «2003-2012 йилларга мўлжалланган Миллий ёшлар стратегияси», Чехия Республикасида «2014-2020 йилларга мўлжалланган Ёшлар стратегияси» шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда ҳам янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ёшларнинг демографик қатлам сифатида янада фаоллаштириш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги Қонуни [1], Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2021 йилдаги «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори қабул қилинди [2]. Мазкур қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши ёшлар кадриятлар тизимидаги трансформациялар, мазкур трансформацияларнинг эволюцион натижаларини фанлараро ёндашув асосида тадқиқ этишнинг ижтимоий заруриятини белгилаб бермоқда. Кадриятларни баҳолаш, уларни қабул қилиш ва воз кечиш масаласи ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, чуқур илмий таҳлил ва изланишларни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни.
<https://lex.uz/docs/3026246>.
2. Ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш Концепцияси.
3. Исмаилова Ш. Ёшлар ижтимоийлашувида ахлоқий кадриятларнинг ўрни. <https://cyberleninka.ru/>.
4. Колбунов Ф. А. Ценностные ориентации молодежи российского мегаполиса. Автореф. дисс. канд. культурологии. Санкт-Петербург . 2011. - С.18.
5. Инглхарт Р., Вельцель К. Модернизация, культурные изменения и демократия: Последовательность человеческого развития М.: Новое издательство, 2011. - 43.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/010>

МИССИОНЕРЛИК ҒОЯЛАРИ ДИНИЙ ОНГГА ТАЪСИРИНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАҲДИД СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Ахмедов Эргаш Кулдашевич

Тошкент кимё технология институти в.в.б доценти,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бугунги кунда ноанъанавий диний оқимларнинг миссионерлик ҳаракати натижасида ахлоқий кадриятларда ўзгаришлар юз